

УДК: 80. 801. 3310

<https://orcid.org/0009-0003-6982-792X>

OT SO‘Z TURKUMIDAGI BIRLIKLARNI TAVSIFLASH TAMOIYILLARI

Olimova Xurshida Vaydillaevna

Iqtisodiyot va Pedagogika Universiteti katta o‘qituvchisi

Qarshi shahri, O‘zbekiston Respublikasi

Tel.: 97 591 12 11. E-mail: khurshida_olimova@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada so‘zlarning ma’lum grammatik turkumlarga taqsimotida yetakchi sintaktik ko‘rsatkich sifatida faqatgina ular bajaradigan vazifa emas, balki boshqa so‘z turkumlari bilan birikishini inobatga olish lozimligi haqida fikr yuritiladi. Maqolada, shuningdek, otlarning sintaktik belgilari sifatida ularning artikl, son va sifat bilan birikishi hamda ot yasovchi qo‘shimchalar qatoridan ham foydalanish mumkin, degan xulosa ilgari suriladi.

Kalit so‘zlar: so‘z turkumi, atoqli ot, qo‘shimcha, sintaktik belgi, gap strukturalari.

ПРИНЦИПЫ ОПИСАНИЯ ЕДИНИЦ В СУЩЕСТВИТЕЛЬНОМ ИЗ ЧАСТЕЙ РЕЧИ

Олимова Хуршида Вайдиллаевна

Старший преподаватель Университета экономики и педагогики

г. Карши, Республика Узбекистан

Tel.: 97 591 12 11. E-mail: khurshida_olimova@gmail.com

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о том, что в качестве ведущего синтаксического показателя при распределении слов по определенным грамматическим категориям необходимо учитывать сочетание с другими категориями слов, а не только задачу, которую они выполняют. В статье также делается вывод о том, что лошади могут сочетаться с артикуляцией, числом и качеством в качестве синтаксических символов, а также с рядом суффиксов, образующих название лошади.

Ключевые слова: части речи, имя собственное, суффикс, синтаксический признак, структура предложения.

PRINCIPLES FOR DESCRIBING UNITS IN A NOUN FROM PARTS OF SPEECH

Olimova Khurshida Vaydillaevna

Senior Lecturer of the University of Economics and Pedagogy

Karshi city, Republic of Uzbekistan

Тел.: 97 591 12 11. E-mail: khurshida_olimova@gmail.com

Abstract. *The article reflects on the fact that as a leading syntactic indicator in the distribution of words into certain grammatical categories, it is necessary to take into account the combination with other word categories, and not just the function they perform. The article also advances the conclusion that proper nouns can be combined with articulation, number, and quality as syntactic characters, as well as a series of noun-making suffixes.*

Keywords: *parts of speech, proper noun, suffix, syntactic character, sentence structure.*

КИРИШ

От (*nomen, substantive, noun*) – бошқа сўз туркумларидан тубдан фарқ қиладиган, ўз грамматик-семантик хусусиятлари билан феъл ва бошқа турдаги сўзларга қарама-қарши турадиган сўз туркумидир. Бундай қарама-қаршилиқ нафақат семантик, балки формал ва функционал кўрсаткичларга эга. Отларнинг энг фарқли хусусияти, уларнинг барчаси ягона умумграмматик маънога эга бўлишида кўринади. Демак, “борлиқ ёки унинг парчасини предмет сифатида аташ” – отнинг умумий грамматик маъноси.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Сўз туркумларининг туб, асосий маъноси уларнинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар, сақланиб қолади [1]. Академик Л.В.Щерба айтганидек, қандай морфологик категорияларни у ёки бу тил тизими учун хослигини аниқлаш муҳимдир [6]. Отларнинг яна бир морфологик-структур кўрсаткичи уларнинг артикль билан бирикишида намоён бўлади. Бошқа туркумга оид сўзларнинг от туркумига кўчишида айнан артикль

субстантивация ҳодисаси юз бераётганлигини исботловчи бирликка айланади. Шу сабабли баъзи грамматик қўлланмаларда артикль кўрсатиш олмошлари ва *some, each, every* каби сўзлар билан бир қаторда қаралади. Англиялик олим Жон Лайонзнинг ёзишича, бундай гуруҳланиш “семантикадан кўра грамматик асосга эга” [2]. Детерминаторлар (determiners) сифатида қаралаётган ушбу сўзлар ўзаро бирикмайдилар, масалан, *a my friend* дейиш мумкин эмас. Лекин *some of the pupils, each of the books (will do)* каби бирикмалар инглиз тили грамматик қурилиши талабларига жавоб беради, чунки бу ҳолда артикль от олди элементи ўрнини эгаллайди [3].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Отлар ҳам аниқловчи, ҳол, тўлдирувчи каби турли гап бўлаклари ўрнини эгаллаши мумкин. Аммо бу вазифаларда келаётган отлар ўзларининг грамматик хусусиятларини сақлаб қоладилар ва бевосита бошқа лексик-грамматик гуруҳлар қаторига ўтиб кета олмайдилар. Масалан, инглиз тилидаги *stone wall, iron lady* ва ўзбек тилидаги *темир йўл, тош девор* каби бирикмалардаги биринчи элементларнинг (stone, iron; темир, тош) қайси сўз туркумига оидлиги узоқ пайтлардан буён муҳокама қилиб келинмоқда. Албатта, очиқ структура моҳиятига эга бўлган тил тизимида турли ўткинчи ҳолатлар мавжуд эканлиги маълум. Шунингдек, гап бўлакларининг синтактик вазифалари алоҳида сўз туркумлари мавжуд бўлишига асос яратади, морфология эса уларни фарқлаш учун восита хизматини ўтайди.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР.

Грамматик контекст – сўзларнинг маълум турдаги гаплар таркибида ўзаро алоқага киришувидир. Синтактик муносабатлар ҳақида гапирганда, гап қурилишида муҳим рол ўтайдиган синтактик алоқалар бир хил мақомга эга эмаслигини инобатга олиш керак бўлади. Ҳар қандай синтактик алоқа ҳам сўзларни туркумларга ажратиш учун маълум бўлавермайди. Масалан, *This difficult job is very important* гапини олсак, ундаги *job* сўзи *difficult* ва *is* бўлаклари билан бир хилда алоқага эгалиги аниқ бўлади. Лекин *job* сўзининг *is* бўлаги билан алоқаси *difficult* сифатиникидан кучсизроқ. Чунки гап

таркибида феъл билан ҳар қандай сўз туркумига оид тил бирлиги бирика олмайди: жумладан олмош (*It is very important*), инфинитив ва герундий шаклидаги феъллар (*It proceed is very important*) ёки яхлит сўзлар бирикмаси (*What I tell you is very important*).

Олдинги ўринда турган сифат билан эса фақат от бирика олади, бошқа туркумларга оид сўзлар бундай қобилиятдан маҳрум: - *Difficult it is important* ёки - *Difficult the proceed is important* каби қурилмалар инглиз тили грамматик қоидалари талабига жавоб бермайди.

Демак, *job* сўзининг *is* элементи билан алоқага киришуви ушбу сўзнинг гап таркибидан жой олишини таъминловчи синтактик вазифанинг намоён бўлишидир. Отнинг сифат билан бирикуви эса синтактик вазифани бажармайди. Бунинг исботи юқорида келтирилган гап таркибидаги *difficult* сифатининг тушириб қолдириши гап структурасига таъсир кўрсатмаслигида сезилади: *This difficult job is very important* → *This job is very important*. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида, отнинг сифат томонидан аниқланишини сўз туркумлари ажратилишида муҳим эканлигидан дарак беради.

Синтактик вазифанинг сўз туркумларини ажратишда муҳим кўрсаткич бўла олмаслиги, масалан, келтирилган мисолдаги *man* отининг нафақат сифат, балки бошқа туркумларга оид сўзлар билан ҳам бирика олишида кўринади: олмош (*our man, this man*), феъл шакллари (*a smiling man, a wounded man*), сон (*one man, five man*) ва ҳакоза. Шунинг билан биргаликда, отнинг равиш билан бирикишини тасаввур қилиш қийин: *very our man, very smiling man* каби тузилмалари инглиз нутқида қарийб учрамайди.

Маълумки, инглиз ва ўзбек тилларида махсус от ясовчи аффикслар гуруҳи ажратилади, улар бошқа сўз туркумларига оид ўзакка қўшилиш билан янги отларни ясайдилар. О.Д.Мешков инглиз тилида сифатга суффикс қўшиш усулида ясаладиган отларнинг ($A + \text{Suff} = N$) моделини 24 тага етишини қайд этади. Қиёсланг: *Shortage* ($A + \text{age} = N$); *precision* ($A + \text{ion} = N$); *likelihood* ($A + \text{hood} = N$); *realism* ($A + \text{ism} = N$); *realist* ($a + \text{its} = N$); *humidity* ($A + \text{ity} = N$); *merriment* ($A + \text{ment} = N$); *helplessness* ($A + \text{ness} = N$), etc.

Феълнинг ўзакка суффикслар билан бирикиши асосида ясаладиган отлар 23 та моделга тақсимланади: *Conspiracy* (V + асу = N); *breakage* (V + age = N); *acceptance* (V + ance = N); *stincard* (V + ard = N); *deportee* (V + ee = N); *reader* (V + er = N); *suckling* (V + ling = N); etc. [4].

Ўзбек тили сўз яшаш тизимини назарий жиҳатдан таҳлил қилган академик Азим Ҳожиёв от ясовчи қўшимчаларни ҳосил бўлаётган отларнинг қандай маъно касб этишига нисбатан турли гуруҳларга ажратади [5]. Ўзбек тилида шахс отини ясовчи аффикслар – *чи* (*сувчи*), *-кор* (*бастакор*), *-соз* (*машинасоз*), *-фуруш* (*молфуруш*), *-шунос* (*тилушунос*), *-паз* (*ошпаз*), *-хўр* (*ошхўр*), *-боз* (*дорбоз*), *-хон* (*китибхон*), *-навис* (*шеърнавис*), *-параст* (*молпараст*), *-гўй* (*аллагўй*), *-дош* (*синфдош*) кабилардир.

Нарса, буюм маъноли отлар ўз пайтида *–(и)н* (*қўшин*, *тугун*, *гулли*), *–(и)нди* (*қиринди*, *чўкинди*, *чиқинди*) каби суффикслар воситасида ясалган. Ҳозирги пайтда фақат *–ма*, *–нома*, *–гич* суффикслари ўз маҳсулдорлигини сақлаб келмоқда [5]. Қиёсланг: *йўқлама*, *қоплама*, *кўргазма*, *қўлланма*, *сузма*, *қурилма*, *чизма*, *сўровнома*, *рухсатнома*, *илгич*, *кескич*, *қирғич* кабилар.

Жой номларини билдирувчи отларни *–лоқ*, *–зор*, *–истон*, *–дон*, *–лик* қўшимчалари турли ўзакларга бирикиш йўли билан ясайди: *қумлоқ*, *тошлоқ*, *ўтлоқ*, *дарахтзор*, *гулистон*, *қабристон*, *кулдон*, *туздон*, *дарсхона*, *қўйхона*, *чойхона*, *сайлгоҳ*, *сайргоҳ*, *ботқоқлик*, *жарлик* кабилар.

Бундан ташқари мавҳум отларни ясовчи суффикслар алоҳида гуруҳга ажратилиб, улар қаторига *–лик*, *–чилик*, *–в*, *–ш* қўшимчалари киритилади [5]. Масалан, *–лик* аффикси от, равиш, сифат туркумига оид сўзлардан от ясайди: *оналик*, *акалик*, *сингиллик*, *кексалик*, *зўрлик*, *ўзи бўларчилик*, *чайқовчилик*, *қургоқчилик*, *хафачилик*, *бошқарув*, *танлов*, *қутлов*, *қараш*, *бурилиш*, *қурилиш*, *қониқиш*, *тузилиш* ва бошқалар. Отларнинг формал кўрсаткичларидан яна бири уларнинг предлог ва послелог каби ёрдамчи сўзлар билан бирикиб, турли грамматик ва синтактик маъноларни ифодалай олишидир.

ХУЛОСАЛАР.

Шундай қилиб, отларни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратишда уларнинг формал кўрсаткичлари ҳал қилувчи ўринга чиқиши кузатилади. Бизнингча, сўзларни туркумлашда уларнинг семантик хусусиятларини тамоман инкор этишнинг иложи йўқ. Сўз туркумлари, формал кўрсаткичлари билан бир қаторда, улар воситасида ифода топаётган маъно хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқланадилар ва бундан от туркумидаги бирликлар истисно эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Daniyeva M.Dj. Parodiya mazmunini hosil qiluvchi strukturaviy va ma'noviy transformatsiyalar. Ilmiy axborotnoma. Namangan davlat universiteti ilmiy axborotnomasi. № 7. - Namangan, 2023. – B. 387-391.
2. Lyons J. Semantics. – Cambridge : CUP, 1978. - 453 p.
3. Quirk R. Greenbaum S.A University Grammar of English. London: Longman, 1989. –P. 115.
4. Мешков О.Д. Словообразование современного английского языка. –М.: Наука, 1976. –145 с.
5. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. –Т.: Ўқитувчи, 2007.
6. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. –Л.: -Наука, 1974. –С. 79.